

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОРАКЎЛЧИЛИК ТАРИХИ

Хонкелдиева Нигора Акрамовна

Тошкент тўқимачилик енгил саноат институти "Костюм дизайни"

кафедраси ассистенти

Аннотация. Ушбу мақолада қоракўлчилик тарихи, қоракўл қўйлари ва уларнинг турлари ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: қоракўлчилик, қоракўл қўйи, жун, гажак, тери

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги 4817-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикаси пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш кўмитаси” ташкил этилди. 2021 йил 9 феврал кунидаги “Қоракўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-4984-сон қарори қабул қилинди. Қишлоқ хўжалик ерларининг 2/3 қисмидан чорвачиликда фойдаланилади. Чорвачиликдан келадиган даромад доимий равишда ўсиб бормоқда. Чорвачиликнинг бир йўналиши қўйчиликдир. Қўйчилик корхоналарида гўшт маҳсулотларидан ташқари тўқимачилик саноати учун жун ҳомашёси тайёрланади. Мамлакатимизда қўйларнинг умумий сони 22 млн. дан ортиқ, унинг асосий қисми қоракўл қўйлардир.

Ўзбекистон қоракўлчилиги. Ўзбекистонда ихтисослаштирилган йирик колхозлар ташкил этилганлиги туфайли туфайли қоракўл қўйлари кўпая бошлади, 40 йиллар охирида бу соҳа айниқса жадал ривожланди. 1932 йилда 634,0 минг бош қоракўл қўйи бўлган бўлса, 1980 йилда 5126,3 минг бошга етди. Кейинги йилларда қоракўл қўйларининг бош сони камайганлиги шу билан изоҳланадики, Ўзбекистон қоракўлчиликнинг асосий наслчилик базасидир. Шунинг учун ҳар йили кўплаб наслдор қўйлар янги районларга Қозоғистон, Астраханга ва Украинанинг жанубига олиб кетилади.

Республикада Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари қоракўл қўйлар учратиладиган асосий районлар жумласига киради.

Ўзбекистондаги қоракўл қўйлар териси ўлчами катта 1100-1600 см², вазни енгил 250-370 г, мездраси юпқа ва пишиқлиги 0,0-0,8 мм, терисининг гули чиройли, мўйнаси ниҳоятда юмшоқ ва ипаксимон, ранг ва тусларга бой, ҳар хил рангдорлиги билан ажралиб туради.

Қоракўл қўйлар зотининг структураси деган тушунча унинг экологик типларга бўлинишини ифодалайди, бундай типлар ичида эса завод типлари, линиялари ва оилалар яратилган.

а) зот – бу келиб чиқиши умумий бўлган, муайян хужалик шароитида инсоннинг ижодий фаолияти таъсирида ташкил топган, танлаш ва хиллаш, парвариш қилиш йўли билан шунингдек, уни муайян турга мансуб булган бошқа ҳайвон зотларидан ажратиб турадиган морфологик, физиологик ҳамда хўжалик учун фойдали хоссаларининг спецификлиги туфайли сақланиб келаётган ҳайвонларнинг яхлит бир группасидир.

б) зот группаси – муайян хўжалик ва табиий шароитда бир зотнинг завод типиги соф зотни урчитиш ёки хўжалик ва наслдорлик қимматига эга бўлган бошқа зотлар билан чаптириш йўли билан вужудга келтирилган, танлаш, хиллаш ва парвариш қилиш йўли билан сақлаб келинаётга, ўзига хос морфологик, физиологик, маҳсулдорлик ҳамда хўжалик учун қимматли бошқа хоссаларга эга бўлган кишлок хўжалик ҳайвонлари группасини ўз ичига олади.



1-расм. Зот типлари.

Жингалак гуруҳидаги мўйна характеристикаси

Қоракўл - турк тилидан сўзма сўз таржима қилинганда, қора кўл (кара куль) – туғилганидан сўнг 1-3 суткада қоракўл кўзичоқларидан олинган мўйнали тери бўлиб, бунда уларнинг жуни турли хил шаклдаги ва ўлчамдаги гажакли қуюқ, қайишқоқ, ипакдек майин тук қатлами билан ажралиб туради.

Тук қатламининг хусусиятларини характерлашда ММЯФ орасида қоракўлча териси ярим тайёр маҳсулот алоҳида ўринга эга бўлиб, ундаги терида гажаклар турли хил жойлашув ва шаклга эга ҳамда бу уни бошқа турдаги мўйналардан ажратиб туради. Бу ўзига хос жиҳатлари кўйидагиларда намоён бўлади: гажак тури; гажак ўлчами (унинг эни ва гажакдаги тук узунлиги); гажакдаги тук қуюқлиги; гажакнинг зичлиги ва қайишқоқлиги; нақш ва унинг аниқ кўриниши; шойидек товланиб туради.

Гажак тури. Тоза навли қоракўлнинг сониди ва орқа елкасида жойлашган жун қатлами (валек, боб, гривка) майин, ингичка ипаксимон бўлади ва қимматбаҳо ҳисобланади. Бош, бўйин ва ён томонларидан олинган терининг жун қатлами дағалроқ, туклари хол-хол, ҳалқалар, ярим ҳалақалар кўринишдаги бўш жингалаклардан иборат ва уларнинг нархи арзонроқ бўлади. Топографик участкаларда жунли қатламнинг сифати турлича бўлишига қарамасдан, бош, панжа, дум қисмидаги териларни ҳам кўшиб, қоракўл терисидан тўлиқ фойдаланилади[4].

Қоракўлда энг қимматбаҳо гажаклар белда жойлашса, нисбатан арзонроғи эса ён, бўйин, бошча ва кўй терисининг олд қорин қисмида жойлашади. Гажак ўлчамлари унинг эни ва ундаги тук узунлигига қараб ҳисобга олинади.

Гажакдаги тук қуюқлиги қоракўл-кўзи териси ярим тайёр маҳсулоти тук қатламининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, сабаби у гажак сифатига, асосан унинг зичлиги ва буюмни кийиб юришдаги мустаҳкамлигига таъсир қилади.

Бу кўрсаткичга асосан терилар қуюқ тукли, ўрта қуюқ тукли ва сийрак туклига бўлинади. Гажакнинг зичлиги ва қайишқоқлиги унинг механик таъсирларга қарши тура олиши ва ўз шаклини сақлай олиши билан

характерланади. Зич, ўрта зичликдаги ва юмшоқ гажаклар ажратилади.

Ранг жиҳатидан турфа хил: қора рангдан бошлаб қаймоқли оқ ранггача, бу қўйларнинг зотиға боғлиқ бўлади (расм). Фақатгина Узбекистонда 25 дан ортиқ қоракўл қўйларининг зотлари мавжуд. Шу билан бирга жуда қимматбаҳо бўлган Афғон қоркўлининг териси ва машҳур модельерлар томонидан кўпроқ қизиқиш ўйғотадиган бренд бўлган “свакара” – жанубий африка қоракўли ҳам мавжуд.

Шуниси қизиқки, қоракўлнинг мазкур тури 20 асрнинг бошларида Бухоро амири натижаларни ўйламаган ҳолда қоракўл қўйларини англия посолиға совға қилганидан сўнг келиб чиқади. Уларни Намибияға олиб кетилгач, янги қоракўл навига асос солишди. Свакара мўйнасидан тайёрланган мўйнали кийимлар жуда енгил, узок вақт давомида кийилади, алоҳида парвариш талаб этилмайди ва мўйнали кийимларнинг ҳар қандай тури ва моделини тикишда фойдаланиш мумкин. Свакара қоракўлчиликда мутлақо янги йўналишға айланди.



Қоракўл-қўй териси ярим тайёр маҳсулотнинг ташиқи кўриниши.

Қоракўлни келиб чиқиши бўйича ажратиш учун унинг гажаги ва терисининг ўлчамига аҳамият бериш лозим. **Ўзбек қоракўлининг** гажаги зич ва терисининг ўлчами тахминан 11 квадрат дециметр бўлади. Афғон

қорақўлининг гажаги қовурғали-ясси ва терининг каттагина қисми (13 дан 20 квадрат дециметр). **Афғон қорақўли** нисбатан оғирроқ ва каттароқ терилари билан ажралиб туради. Ясси тури асосан қовурғали ясси бўртма нақшлари ва ғайриоддий жилвакорлиги билан ажралиб туради, бу эса уларга ўзига хос хушбичимлик беради. Афғонистондан келган қорақўл жуда юқори сифатли ва қалин, шунинг учун у Ўзбекистонниқидан қимматроқ туради. Жанубий **Свакара** – қорақўли ясси, мўйнаси ингичка, қорақўлчага яқин бўлади (туғилмаган кўзичоқ териси). Одатда унинг ўлчами 12 дан 15 квадрат дециметр бўлади. Мустаҳкамлиги бўйича қорақўлдан кам эмас, юпка ва нозиклиги бўйича қорақўлчага ўхшайди.

Энг муҳими қорақўл мўйнаси совуққа ва намликка чидамли, юқори иссиқлик сақлаш хусусиятига эга бўлгани туфайли энг оммабоп мўйна ҳисобланади. Қорақўл мўйнаси ноёб хусусиятларга эга бўлгани учун устки кийимлар тикишда ҳам буюмларга безак беришда ҳам ундан фойдаланиш мумкин. Қорақўл иссиқ ва кўп кийиб юриладиган мўйна ҳисобланади. Ундан бўлган кийимларни танлаб адашмайсиз, у ҳар доим урфда бўлади. Пўстинларнинг хилма хил фасони ва қорақўлнинг қайтарилмас нақши ҳар бир кийимнинг эксклюзивлигини намоён қилади. Уни кийиб юришнинг ўртача муддати 7-10 йил этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳакимов Ш.Ш., Тургузбаева Р.Б. “Ўзбекистонда жун хомашёсини тайёрлаш”. Конференция “Техника фанлари” Т. 2021у.
2. М.Зокиров, У.Валиев, Ш.Ширинбоев. “Қорақўлчилик” қўлланма. Т. 1983 й
3. Гусева М.А., Андреева Е. Г., Петросова И. А., Замонавий мўйнали кийимларда шакл ва шакл аниқлаш воситалари. Кубан давлат аграр Университети илмий журнали, №120 (06), 2016 й; 1-11бет;